



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 8 март, № 50 (8673)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНСОН ҚАДРИ, АВВАЛО, АЁЛЛАРНИ УЛУҒЛАШДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда



Янгилаш ва яшариш фасли — бахорнинг илк айёми мўтабар онахонлар, азиз опа-сингилларимиз байрами сифатида кенг нишонланиши ўзига хос рамзийликка эга. Зотан, аёлда худди баҳор каби яратувчанлик кудрати бор, у худди кўкдам инсон кўнглида яшашга, яшаришга иштиёқ, эзгуликка рағбат, юксалишга fairат-шижоат уйғотади. Аёл

ҳам, баҳор ҳам мўъжизакор, гўзал, табиатига кўра сирли ва мафтункор.

Бири-бирга уйғун бу икки хилқат ҳаётимизнинг, жамиятимизнинг кўрки, файзу таровати сифатида ардоқлаб келинади: қорлар эриб, қуёшнинг заррин нурлари борлиқни эр-каларкан, тупроқ бағрини ёрган кўкдамнинг илк майсаларини, ялпизу бинафшаларни шукрона-

лар айтиб, қўзларимизга суртамиз: хонадонимизда қиз фарзанд туғиларкан, авлодимиз давомчиси дунёга келганидан беҳад шодланамиз, уни суйиб-эркалаб, асраб-авайлаб, гард юктирмай улғайтирамиз... Умуман, она табиатнинг бебаҳо тухфалари — баҳорга ҳам, аёлга ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий қадрият.

Аёлга меҳр-муҳаббатимиз, гўзал тилақларимиз, дил ихлосларимиз, айниқса, 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан яна бир бор дилдан тилга кўчади, тилдан юракларга янада чуқур илдиз отади. Шу боис ушбу санага эзгулик ва нафосат айёми сифатида алоҳида эътибор қаратамиз, уни хушнудлик билан нишонлаймиз...

Барчамизга ана шундай кўтаринки руҳ улашувчи байрамнинг асосий тантаналари пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БУТУН ХАЛҚИМИЗ ҚАТОРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ УЧУН ҲАМ МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, ҳаётимиз қувончи, файзу фариштаси бўлган муҳтарам онахонлар, ҳурматли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Бугун сиз, азишлар билан мана шундай тантанали анжуманда учрашиб, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбдан қўлаш мен учун улкан шараф ва саодатдир.

Барча-барчангизга самимий меҳрим ва чексиз ҳурматимни изхор этишга ижозат бергайсиз.

Ўзларингиз каби гўзал байрамнингиз муборак бўлсин!

Муҳтарам ватандошлар!

Ушбу шукуҳи айёмда ҳаммамиз бизни дунёга келтирган, оқ сўт бериб, меҳр ва тарбия бериб вояга етказган буюк она сиймосига, мўтабар аёл зотига таъзим қиламиз. Зеро, инсон қадрини улуғлаш аввало азизу муқаррама аёлларимизни улуғлашдан бошланади.

Шу маънода, Мир Алишер Навоий бобомизнинг, жаннат богидан баҳрамандлик истар экансан, аввало, мунис онани рози айлагин, деган сўзларини биз энг эзгу даъват сифатида қабул қиламиз.

Биз ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, бутун борлигимизни сиз, қадрли опа-син-

гилларимиздан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Сизлар биз учун ҳамиша гўзаллик ва назокат, меҳр ва садоқат, қаноат ва шукроналик тимсоли бўлиб келгансиз ва доимо шундай бўлиб қоласиз. Мана шундай олижаноб фазилатларингиз билан бизларга ҳамма вақт куч-ғайрат, ҳаётга, келажаққа ишонч бағишлаб келаётганингиз учун сиз, азишларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Ҳурматли опа-сингиллар!

Юртимизда меҳнатқаш, олижаноб халқимиз, биринчи навбатда, хотин-қизларимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш — давлатимиз ва жамиятимизнинг энг устувор вазифаси этиб белгиланган. Жумладан, **“Ўзбекистон — 2030” стратегияси** доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда, аввало, миллий қонунчилигимиз тақомиллаштирилиб, опасингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг тасдиғини биргина мисол, яъни Сайлов кодексимизда депутатликка номзодлар-

нинг қамида 40 фоизи ёки ҳар 5 нафаридан 2 нафари аёл киши бўлиши зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилганида яққол кўриш мумкин.

Бугун ушбу муҳташам залда ҳурматли депутат ва сенатор аёлларимизни қўриб турганимдан хурсандман. Мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, қабул қилинаётган қонунларимизнинг адолатли ва таъсирчан бўлишида уларнинг ҳам албатта ҳиссаси қатта. Бунинг учун халқ вакиллари бўлган бу аёлларимизга чин қалбдан миннатдорлик билдирамиз.

Ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 фоиздан 35 фоизга етгани, айниқса, эътиборлидир. Шу билан бирга, юзлаб оқила аёллар ҳаётимизнинг барча соҳаларида жонбозлик билан фаолият кўрсатаётгани барчамизни қувонтиради.

Бу борада Гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси самарали иш олиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистонда иш-

билармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошди. Биргина 2023 йилда 279 мингдан зиёд тадбиркорлик лойиҳаларига 13 триллион сўмдан ортиқ кредит, қарийб 57 минг нафар хотин-қизга салкам 300 миллиард сўм субсидия ажратилди. Шунингдек, 200 мингга яқин аёллар касб-хўнара тадбиркорликка ўқитилди. Энг асосийси — 400 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, хотин-қизларга ажратилган 6 триллион сўмлик ипотека кредитлари ҳисобидан 25 мингдан зиёд оилалар ўз уйига эга бўлди. Бу борада 6 минг 200 нафар аёлга уй-хўй шароитини яхшилаш ва кредитнинг бошланғич бадалини тўлаш учун 200 миллиард сўм субсидия ажратилганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, жойларда хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган ишлар янги босқичга кўтарилмоқда. Утган йилнинг ўзида “Аёллар дафтарини” бўйича 1 триллион 234 миллиард сўм ҳисобидан қарийб 994 минг нафар хотин-қизнинг муаммоси ҳал этилгани бу фикрни тасдиқлайди.

Бу вазифаларни бажаришда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшма-

лари Федерацияси ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг иштироки кучайиб бораётгани айниқса муҳимдир. Улар томонидан “хонадонбай” ўрганишлар натижасида ижтимоий ёрдамга муҳтож 690 мингдан зиёд оилага манзилли ёрдам кўрсатилгани, 116 мингга нотинч оилаларда муҳит соғломлаштирилганини булган алоҳида эътироф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизда бўлгуси оналар, келажақ тарбиячилари бўлиш қизларимиз камолотига, уларнинг олий таълим олиши, замонавий касб-хўнара ва технологиялар, хорижий тилларни эгаллашга қатта аҳамият берилмоқда.

Ҳозирги кунда олийгоҳларда таълим олаётган 1 миллион 300 минг нафарга яқин талабанинг ярмидан кўпи — эътибор беринг, ярмидан кўпи, яъни 653 минг нафардан зиёдини қизлар ташкил этмоқда. Магистратурада ўқиётган ёшларимиз орасида қизларнинг улуши янада кўп, яъни салкам 14 минг нафарни ташкил этмоқда. Бу — жами магистрантларнинг қарийб 60 фоизи дегани.

Жорий ўқув йилида эҳтиёжманд оилаларга мансуб 1 минг 914 нафар хотин-қиз олийгоҳларга қўшимча давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилинди. 181 минг 500 нафардан ортиқ қизларимиз учун имтиёзли таълим кредитлари

ажратилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг вакиллари, етим қолган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 2 мингдан зиёд талаба учун 14 миллиард 500 миллион сўм контракт пули маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қўлаб берилди. Сўнгги йилларда давлат олийгоҳларининг магистратура бўлимида ўқиётган хотин-қизларнинг контракт пуллари бюджетдан тўланмоқда.

Энг муҳими, қизларимиз ўртасида замонавий билим ва касб-хўнараларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Масалан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида таълим олган ёшларнинг 47 фоизи, яъни қарийб ярмини қизлар ташкил этган.

Кейинги пайтда юртимизда илм-фан ва таълим, хусусан, олий таълим соҳаси ислоҳ этилиб, жаҳон стандартларига мослаштирилаётгани сабабли хотин-қизлар бу йўналишда ҳам қатта натижаларга эришмоқдалар. Бунинг амалий ифодасини сўнгги етти йилда 5 минг 247 нафар аёлларимиз фан доктори (DSc) ва ўз соҳалари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олгани мисолида кўриш мумкин. Биргина 2023 йилнинг ўзида 147 нафар хотин-қиз фан доктори, 1 минг 238 нафари эса фалсафа доктори илмий даражасига эришгани барчамизни мамнун этади.



МАҲАЛЛАЛАРДА АҲОЛИ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 март куни маҳаллаларда аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда ишсизликни камайтириш мақсадида қўлаб иқтисодий дастурлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорлик қўлаб-қувватланиб, ҳудудларда қорхоналар очилмоқда. Профессинал таълим муассасалари ва “Ишга марҳамат” мономарказларида аҳолига замонавий касб-хўнаралар ҳамда хорижий тиллар ўргатилмоқда.

Бу йил 5 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш, 2 миллион кишини тадбиркорликка жалб этиш мақсад қилинган. Бунинг учун давлат томонидан барча ташкилий ва молиявий имкониятлар яратилган.

Хусусан, бу мақсадларга 16 триллион сўм ажратилди. Шунингдек, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, Маҳаллабай ишлаш агентлиги, Фермерлар кенгаши жамғармалари томонидан 1,4 триллион сўм йўналтирилади.

Энди асосий вазифа бу имкониятларни жойларда самарали ишлатиб, аҳолига даромад манбаи яратиб беришдир.

Президент топшириғига мувофиқ, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Шароф Рашидов туманлари мисолида бу борада тез натижа берадиган янги механизмлар ишлаб чиқилмоқда. Келгусида бу тизим барча ҳудудларда жорий этилади.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж. Қўчқоров мазкур туманлардаги янги имкониятлар ва уларни ишга солиш бўйича тақлифларни баён этди.

Унга кўра, ҳар бир маҳаллага иқтисодий комплекс ташкилотлари раҳбарлари бириктирилади. Улар ўзи масъул бўлган маҳалладаги камбағал оилалар билан манзилли ишлаб, одамларнинг даромадини оширишга кўмаклашади.

Ў.А.

Зураб ПОЛОЛИКАШВИЛИ:

ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ВА ХАВФСИЗ ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ИНТИЛМОҚДА

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) бош котиби “Дунё” АА учун эксклюзив интервьюсида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан маъқулланган “2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюциясининг жаҳон ҳамжамияти учун аҳамияти ҳақидаги фикрларини билдирди.

Бизнинг интервью

— Ўзбекистон ташаббусининг глобал миқёсдаги аҳамиятини белгилловчи учта асосий омил нима деб ўйлайсиз? Ва бу резолюция Ўзбекистон учун қанчалик муҳим?

— 2027 йилнинг “Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” деб эълон қилиниши сайёраимизни хавфсиз, мустаҳкам тинчлик ва

барча учун фаровонлик маконига айлантириш йўлида сайёҳлик сектори янги имкониятларни ўрганиш ва амалга ошириш учун ноёб имконият яратаяди. Ўзбекистоннинг мазкур резолюция ташаббуси билан чиқшии мамлакатнинг барқарор ва хавфсиз туризм индустриясини ривожлантиришга қатъий интилишдан далолат беради. Бу туризмни



қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш, унинг иқтисодий фаровонлиги, ижтимоий инклюзивлиги, тинчлик ва барқарорлик, маданий меросни, биологик хилмаҳилликни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссасини ошириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Халқаро йил барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкам-

лашнинг ҳаётий муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди. Ушбу тамойиллар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2022 йил декабрь ойида қабул қилинган “Камбағалликни бартараф этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун барқарор ва яшовчан туризмни, шу жумладан, экотуризмни ривожлантириш” резолюциясида ҳам мустаҳкамланган. У ЮНВТО хисоботида асосланиб, биринчи марта COVID-19 пандемиясининг бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамлар учун даромад манбаи бўлган туризмга нисбатан мисли кўрилмаган муаммолар шароитида барқарорлиқни энг устувор вазифа сифатида белгиледи.



Янги Ўзбекистонда бутун халқимиз қатори хотин-қизларимиз учун ҳам муносиб шароитларни яратиб бериш – энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Хозирги кунда илм-фан соҳасида жами 5 мингга яқин олима аёлларимиз фаолият кўрсатмоқда. Олийгоҳларда эса 14 мингдан зиёд ола-сингилларимиз педагогика ва илмий тадқиқот йўналишида иш олиб бормоқда.

Бу рақамлар нимадан далолат беради?

Бу, аввало, қизларимиз, ола-сингилларимизнинг интеллектуал салоҳияти нақадар баландлигидан, агар тегишли шароит ва имконият яратиб берсак, улар ҳар қандай юксак маррани забт этишга қодирлигидан далолат беради.

Албатта, оила юмушлари, фарзанд тарбияси билан бирга, турли соҳа ва тармоқларда фидокорона хизмат қилаётган ола-сингилларимизнинг меҳнатини муносиб қадрлаш доимо давлатимиз эътиборида бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида 17 нафар хурматли аёлларимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган олий унвонга сазовор бўлган бўлса, уларнинг 7 нафари фан, таълим ва саноат соҳаси вакиллари эканини алоҳида таъкидлаш лозим. 11 нафар аёл фан соҳасидаги энг юксак даражага, яъни академик унвонига сазовор бўлгани, минглаб хотин-қизларимиз давлатимизнинг faxрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланиб келаётгани эл-юртимизнинг уларга нисбатан юксак эҳтироми ифодасидир.

Азиз ватандошлар! Хаммамизга маълумки, бугун дунёда мураккаб ва оғир вазият, иқтисодий инқироз ҳукм сурмоқда. Табиийки, бу ҳолат мамлакатимизга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бундай шароитда ижтимоий соҳалар учун бюджетдан маблағ ажратиш албатта осон бўлаётгани йўқ. Лекин, қанчалик қийин бўлмасин, биз қўшимча имконият топиб, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шароит яратмоқдамиз ва бу ишларимиз албатта давом этади. Чунки аёлларнинг, хусусан, **қиз боланинг ўқиб, олий маълумотли бўлиши, касб-хўнар эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли учун, шу асосда бутун жамият равнақи учун хизмат қилади.**

Хурматли анжуман иштирокчилари! Ола-сингилларимиз соломатлиги, оналиги ва болалигини муҳофаза қилиш, халқимиз генофондини мустаҳкамлаш

инсон қадрини улуғлашнинг ўзак масаласидир. Шу мақсадда 2023 йили 6 миллион 500 минг нафардан зиёд аёллар табиий тегишардан ўтказилиб, уларга зарур маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Бу каби эзгу ишларимизнинг давомий сифатида Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастури доирасида хотин-қизларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш вазифалари алоҳида белгилаб қўйилди.

Бу борада мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини янги босқичга кўтариш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш мақсадида, Сенат Раиси Т. Норбоева бошчилигида махсус комиссия ташкил этилди. Ушбу комиссия келгуси йил 8 мартга қадар ҳар бир ҳудудда “фавқулодда ҳолат” режимида ишлаб, хотин-қизларни касб-хўнарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича ишларни мутлақо янгича ёндашувлар ва тизим асосида ташкил қилади.

Мазкур комиссияда Халқ банки расисининг ўринбосари Г. Рашидова хотин-қизларнинг бизнес қояларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлади. Шунингдек, Савдо-саноат палатаси, “Бизнесни ривожлантириш банки” ва “Микрокредитбанк”да ҳам аёллар тадбиркорлигига кўмаклашиш бўйича алоҳида раис ўринбосарлари иш бошлайди. Ана шу раҳбарлар ҳар бир вилоят, ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллада янги бизнес қояларига эга хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш, лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳар томонлама кўмак берадилар.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда фаол аёллар комиссия билан биргаликда жорий йилда 9 минг 442 та маҳалладаги 580 минг нафарга яқин ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш учун масъул этиб белгиланади.

Бу борада маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик учун кредитларнинг камида 40 фоизи аёллар тақлиф этган лойиҳаларга йўналтирилади. Шу мақсадда ҳар бир ҳудудда хотин-қизлар учун хўнарамандчилик, тадбиркорлик марказлари ва кластерлари ташкил

этилади. Ушбу масканларда 205 минг нафар ола-сингилларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга тайёрланади ҳамда тадбиркорлик асосларига ўргатилади.

Шунингдек, “Ёшлар дафтари”га киритилган 8 минг нафар хотин-қизга ўз бизнесини бошлаши ва меҳнат қуролларини харид қилиши учун субсидия, 10 минг нафарига эса имтиёзли кредитлар ажратилади. 50 минг нафар ёш аёллар учун малакали мутахассислар иштирокида “Бизнес марафон” лойиҳаси ташкил этилади. Ушбу лойиҳа доирасида юзлаб қобилиятли қизларимизга ўз бизнесини йўлга қўйиш бўйича амалий ёрдам берилади.

Умуман, бир ой мuddатда хотин-қизлар тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниб, лойиҳаларни амалга ошириш учун 15 триллион сўм, жумладан, оилавий тадбиркорлик лойиҳаларига 6 триллион сўм ажратилади. Бундан ташқари, Саудия Арабистони, Катар, Япония, Жанубий Корея ва Германиядаги элчиларимиз аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 100 миллион долларлик грантларни жалб қилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, мураккаб жаррохлик операцияси ўтказишга муҳтож 2 минг нафар хотин-қиз Давлат бюджетига ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан даволанади. Шу билан бирга, 1 миллион нафар хомилалардор аёл ҳамда 1 миллион 500 минг нафар эмизикли она йод препарат, қарийб 6 миллион нафар репродуктив ёшдаги аёллар темир ва фоллий кислотаси билан бепул таъминланади.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 4 минг нафар хотин-қизларга уй-жой ажратилади. Шу тоифадаги 3 минг нафар аёл учун мураккаб табиий операциялар бепул ўтказилади.

Юртимизда “Қизлар академияси” платформаси яратилиб, 100 минг нафар ола-сингилларимизга молиявий, ҳуқуқий, психологик, репродуктив билим бериш йўлга қўйилади.

Бундай амалий ишларимиз рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Қадрили анжуман иштирокчилари! Яқинда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари ташкил этилганидан хабарингиз бор. Бу эса аҳолининг, биринчи

навбатда, хотин-қизларимиз муаммоларини ҳал этиш бўйича янги имкониятлар очиб бермоқда.

Айниқса, “маҳалла еттилиги” таркибидagi хотин-қизлар фаолларидан биз катта натижаларни кутиб қоламиз. Ола-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларига ечим топиш, керак бўлса, оилавий масалаларда аёлларимизнинг яқин сирдошига айланиш улар учун биринчи даражали вазифа бўлиши лозим.

Дунёда ўхшаши бўлмаган бундай тизимни жорий этишдан мақсад ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қуйи бўғиндан бошлаб самарали ҳимоя қилиш эканини биз, азизлар албатта яхши тушунасиз. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш йўлида ташланган янги бир амалий қадам, десак, тўғри бўлади.

Азиз юрtdошлар! Ватанини севish, унга садоқат билан хизмат қилиш, эл-юрт учун муносиб фарзандлар тарбиялаш — бу дунёдаги энг улуг ва шарафли ишдир. Меҳрибон ва оқила, жонқуяр аёлларимиз бу борада ҳамisha фидойилик кўрсатиб келмоқдалар.

Маълумки, ҳар йили аҳолиимиз сони қарийб 900 минг нафарга кўпаймоқда. Жорий ўқув йилида 733 минг нафар фарзандларимиз биринчи синфга қадам қўйди. Эртага ҳаётимизга қудратли тўлқин бўлиб кириб келадиган ана шундай навқирон авлодимиз тим-солида биз Янги Ўзбекистон бунёдкорларини кўрамиз.

Шу боис ўғил-қизларимизни ҳисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш, уларни миллий гуруҳ, Ватанга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етказиш барчамизнинг асосий бурчимизга айланиши зарур.

Бугунги таҳликали замонда жаҳон миқёсда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик, ҳаётга енгил-елпи, истеъмолчилик кайфияти билан қараш каби хатарлардан ёшларимизнинг ҳимоя қилиш ўта долзарб масалага айланоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча аёлларга мурожаат қилмоқчиман.

Азиз ола-сингиллар, оилада фарзанд тарбиясига эътиборни қийтайрайлик, боғча, мактаб ва олийгоҳларга кириб бораёйлик.

Ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, фарзанд ва набираларимизнинг ўқиши, давомати масаласи, ахлоқ-одоби билан қизикайлик.

Болаларимизни билимли ва ақлли, оқни қорадан ажрата оладиган, эл-юртимизга содиқ, ҳаёли ва ибобли, мустаҳкам иродали инсонлар этиб тарбиялаш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилайлик.

Биз маънавий тарбия ишларини энди мутлақо янгича усулда олиб боришимиз керак. “**Эзгулик — шиоримиз, маърифат — қуролимиз**” деган гоа асосида бу жараёни аввало оиладан, маҳалладан бошлашимиз лозим.

Зотан, ҳадиси шарифда айтилганидек, “**Ота-она ўз фарзандига яхши тарбиядан бошқа мерос қолдиrolмайдн**”.

Муҳтарам ола-сингилларимиз, дугўй онахонларимизнинг масъулияти — айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади.

Чиндан ҳам, жондан азиз болаларимиз ҳамма ҳавас қиладиган таълим ва тарбия олса, биласизларми, жамиятимиз, ҳаётимиз қандай ўзгаради?

Хал қилувчи аҳамиятга эга бу вазифани адо этишда биз аввало сиз, азизлар ишонамиз ва таянамиз.

Қадрили дўстлар!

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича тўпланган миллий тажриба халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон банкининг куни кеча эълон қилинган индексига Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги **энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат** қаторида қайд этилди. “Аёллар, бизнес ва қонун” деб номланган ушбу йиллик ҳисоботда дунёнинг 190 та давлатидаги ҳолат 10 та қўрсаткич бўйича баҳолаб борилади. Янги индексда мамлакатимизда меҳнат муносабатлари ва оиладаги зўравонликка қарши кураш соҳасида амалга оширилган ислохотлар муваффақиятли деб топилган. Ўзбекистон бу борада яхши натижага эришгани эътироф этилган.

Ўтган йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган нуфузли халқаро хотин-қизлар форумларида ҳам мустақил таҳлилчи ва экспертлар томонидан айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Буларнинг барчаси албатта биз биргаликда қўлга киритган катта ютуқ

бўлиб, бу ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз лозим.

Жорий йилда мамлакатимиз яна бир йirik анжуман — **Осиё хотин-қизлар форумига** меъзоблик қилади. Мазкур анжуман “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — Хотин-қизлар” тузилмаси билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Бу форум гендер сиёсати, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодийтаги иштирокини янада кенгайтириш бўйича самарали мулоқот майдони бўлади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг хурматли элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам самимий қўллаб-қувватлаш. Уларнинг мамлакатлари ва халқларига чин дилдан тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Хурматли дўстлар!

Хабарингиз бор, ҳар йили 8 март айёмида турли соҳалардаги дастлабки ютуқлари учун буюқ ўзбек шоираси — Зулфияхоним номидagi давлат мукофотига сазовор бўлган истеъдодли қизларимизни муқорабод этамиз.

Бугунги байрам тадбириимиз ана шу қизларимиз, уларнинг ота-оналари, устозлари учун, ўйлайманки, унутилмас тарихий воқеа бўлиб қолади.

Сиз, азиз фарзандларимни юксак мукофот билан ўз номидан, халқимиз номидан самимий табриқлайман. Бундай улкан эътирофни келажақда катта-катта ютуқлар билан албатта оқлайсизлар, деб ишонаман.

Айни вақтда бугунги байрам арафасида меҳнат ва жамоатчилик фаолиятида муҳим натижаларга эришган, ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келаётган хурматли аёлларимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Барчамиз уларни чин қалбдан қўтлаб, келгуси ишларига янги муваффақият ва омадлар тилаймиз.

Муҳтарам ола-сингиллар!

Сиз, азизларни бугунги баҳор ва нафосат байрами билан яна бир бор табриқлайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, файзу баракга тилайман.

Ҳар бирингизга ҳамisha оилангиз, фарзанду набираларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлиш насиб этсин! Катта раҳмат сизларга!

ИНСОН ҚАДРИ, АВВАЛО, АЁЛЛАРНИ УЛУҒЛАШДАН БОШЛанади



Мухташам зал нозик хилқат вакиллари-нинг суврату сийратига монанд юксак дид ва нафосат билан безатилган. Бу ерга йиғилган юртимизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари, сенатор ҳамда депутатлар, зиёлилар, турли соҳалар намоёндалари, илгор ёшлар — ҳаммамнинг юз-кўзида чексиз қувонч, мамнуният, нур балқийди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мамлакатимиз аёлларига табрик йўллади.

Давлатимиз раҳбари нутқида таъкидлаганидек, **ушбу шуқудли айёмда ҳаммамиз бизни дунёга келтирган, оқ сўт бериб, меҳр ва тарбия бериб вояга етказган буюк она сиймосига, мўтабар аёл зотига таъзим қиламиз. Зеро, инсон қадрини улуғлаш аввало аизу муқаррама аёлларимизни улуғлашдан бошланади.**

Мана шу улугвор, умуминсоний ёндашув янги-ланаётган Ўзбекистонда бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча соҳада бўлгани каби хотин-қизларга, уларнинг тақдирига муносабат бутдан ўзгарди. Уларни қадрлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётида ўз ўрнини топиши, ўзлиги ва иқтидорини намоён этиши учун ҳамма шарт-шароит муҳайё қилинган.

Бугун хотин-қизлар қаерда бўлмасин, қайси соҳада ишламасин, тўла эмин-эркин эканини, барча ҳуқуқ ва манфаатлари қонунлар билан ҳимояланганини теран ҳис қилади. Бу бежиз эмас. Чунки мамлакатимизда бу борада барча ҳуқуқий асос-

лар яратилган. Жумладан, янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий маъқидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги қафолатланган. Хусусан, 58-моддага мувофиқ, хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлайди.

Шу билан бирга, айни йўналишда қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилиндики, бу хотин-қизларга муносабат масаласида бутун дунё билан ҳамқадам, ҳамнафас илгарилаётганимиз ифодасидир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугун барча соҳа ва тармоқларда нозик жинс вакиллари-нинг яратувчанлик меҳнати ҳаётимизга зеб бермоқда. Улар давлат бошқаруви, қонун ижодкорлиги, фан, таълим-тарбия, тадбиркорлик, тиббиёт, енгил саноат, машинасозлик, туризм, маҳалла тизими, умуман, барча жаҳда эркеклар билан тенг ҳуқуқ ва шароитда мамлакатимиз

тараққиётига, турмушимиз фаровонлигига катта ҳисса қўшмоқда.

Аждодларимиз хотин-қизларни ўқитиш, уларнинг маънавий дунёсини қийратишни ҳаёт-мамонт масаласи, деб билган. Мустабид тузум қатагон қиличини қайраб, Ватан деган, миллат учун қай-ғурган ҳар қандай инсонга аёвсиз ҳукмини ўқийётган оғир даврда ҳам жадид боболаримиз ўнлаб хотин-қизларни ўша даврда ривожланган Германия, Туркия каби давлатларга таълим олишга юбюргани сўзимизга бир исбот.

Янги Ўзбекистонда бугун хотин-қизлар таълимини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар аждодларимизнинг оруз-истакларига, иш тутумига ғоят ҳамоханглигидан далолат.

Мамлакатимизда қизларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида олий таълим олиши учун алоҳида квоталар ажратилмоқда, шартнома пулларини маҳаллий бюджетдан қоплаб бериш тизими йўлга қўйилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оила-ларнинг вакиллари, етим қолган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларини рағбатлантиришга жиддий ургу берилипти. Бу каби қулайликлар ўз меvasини берапти. Ҳозирги кунда олийгоҳларда таълим олаётган 1 миллион 300 минг нафарга яқин талабаларнинг ариидан қўпи айнан қизлар экани кишини қувонтиради.

Президентимиз ташаббусига қўра, илмий тадқиқот билан шуғулланаман деган ҳар бир хотин-қиз тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, дав-

лат олийгоҳларининг магистратура бўлимида ўқийётган хотин-қизларнинг шартнома пуллари бюджетдан тўланмоқда. Илм-фан билан машғул олималар ҳам ҳар томонлама рағбатлантириляпти.

Бугун бутун дунёда кузатилаётган нотинчлик, иқтисодий буҳронларга қарамай мамлакатимизда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Зотан, Президентимиз урғулаганидек, **аёлларнинг, хусусан, қиз боланинг ўқиб, олий маълумотли бўлиши, касб-хўнар эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли учун, шу асосда бутун жамият равнақи учун хизмат қилади.**

Аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнини топиши учун кенг қўламли чоралар қўриляпти. Ўтган йилнинг ўзида “аёллар дафтари” бўйича 1 триллион 234 миллиард сўм ҳисобидан қарийб 994 минг нафар хотин-қизларнинг муаммоси ҳал этилгани бу фикрни яққол тасдиқлайди. Бу вазифаларни баҳаришда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг иштироки кучайиб бораётгани, айниқса, муҳимдир. Улар томонидан хонадонбай ўрганишлар натижасида ижтимоий ёрдамга муҳтож 690 мингдан зиёд оилаларга манзилли ёрдам кўрсатилгани, 116 мингта нотинч оилада муҳит соғломлаштирилгани юксак эътирофга лойиқ.

Яқинда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари ташкил этилди. Бу аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш бўйича янги имкониятлар очиб бермоқда.

Давлатимиз раҳбари “маҳалла еттилиги” таркибидagi хотин-қизлар фаоллари ола-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларига ечим топиш, керак бўлса, оилавий масалаларда аёлларимизнинг яқин сирдошига айланиши лозимлигини қайд этди. Бинобарин, дунёда ўхшаши бўлмаган бундай тизимни жорий қилишдан мақсад ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қуйи бўғиндан бошлаб самарали ҳимоя қилишдир. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш йўлида ташланган янги бир амалий қадам, десак, айни ҳақиқат.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов бир шеърда “*Аёл чехрасида қўрсанг табассум, Билик, замона тинч, осойиш олам, Аёлга тиласанг ҳар толе масъум, Дунёни оловдан асра, эй, Одам!*” дея қуюнганди.

Шукрки, аёлларимиз юз-кўзидан мамнунилик, кулги-табассум аригани йўқ. Бу саодат юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик, осойишталик нишонасидир. Бирок бугун дунёнинг турли нукталарида ҳали танқларнинг ваҳимали овози, бомбаларнинг гумбур-гумбури тингани йўқ. Бундай талаффулар, беомон оловлардан, асосан, муштитлар оналар, маъсума хотин-қизлар, беғубор болақонлар озор чекаётгани аламли.

Барча ҳунрезлик, қонхўрлик, инсон қадр ва яшаш ҳуқуқининг топталиши, турли жиноятларнинг илдизи уларни содир этаётганларнинг вақтида тўри тарбия қўрмагани, қалбу онгини жаҳолат, маърифатсизлик эгаллаб олганига бориб тақалади.

Бугунги таҳликали замонда жаҳон миқёсда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик, ҳаётга енгил-елпи, истеъмолчилик кайфияти билан қараш

«Дунё» АА.
Нью-Йорк

